



## УИЛЬЯМ ШЕКСПИР ДАВРИ ВА ИЖОДИДАГИ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ, ФАЛСАФИЙ ТУШУНЧАЛАР

Шодиев Шаҳобиддин Шарофиддинович

Бухоро давлат тиббиёт институти

Инглиз тили кафедраси ўқитувчиси

Ф.ф.б.ф.д.(PhD)

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7981926>

### ARTICLE INFO

Received: 22<sup>th</sup> May 2023

Accepted: 28<sup>th</sup> May 2023

Online: 29<sup>th</sup> May 2023

### KEY WORDS

Антик маданият, муштарак, драма, мавзу-мундарижаси, драматургия, Ғарб маданий алоқалари.

### ABSTRACT

Инглиз драматургияси равнақида шу миллат адабиётининг илк намуналари меҳнат, жанговар юриш, маиший турмуш масалаларига бағишланган қўшиқлар шаклида пайдо бўлгани муҳим аҳамият касб этган. Халқ ҳаётининг алоҳида воқеаларини гавдалантирган бундай ашулалар эпик дostonлар яратилишига асос бўлган. Асарда воқеаларнинг халқ дostonларига хос муболаға билан ифодаланиши, оққўнғил Ромеонинг жасоратлари, қолаверса, чуқур инсоний туйғулар, хислатлар таҳлили, дўстлик, садоқат мадҳи ушбу бадиий ёдгорликнинг қадр-қимматини оширган.

Ўрта асрлар адабиётининг ривожланиш жараёнида уч омил ҳал қилувчи роль ўйнаган. Булар: халқ ижоди, антик маданият ва санъат ҳамда черков таъсири. Айниқса, халқ поэзияси анъаналарининг ўрни бўлакча. Энг қадимги шеърят намуналари бўлган меҳнат қўшиқлари Ўрта асрларда урф-одат ва ритуаллар доирасидан чиқиб, мустақил адабий жанр сифатида шаклланади. Диний хурофот ҳамда мутаассиблик узоқ вақт ҳукм сурган эса-да, лекин у барибир кишиларнинг ҳаёт неъматларига, қувончларига нисбатан табиий иштиёқини сўндира олмаган.

Тарихийлик хусусида сўз борар экан, ҳам Ғарб, ҳам Шарқ халқлари ижодида анчайин яқинлик ҳамда ўхшаш сюжетлар мавжудлиги ўша давр эллари тараққиётнинг юқорида босқичига етганлиги, уларнинг келажак ҳақидаги тасаввурлари, орзу-умидлари муштараклиги билан изоҳланади.

Инглиз драматургияси равнақида шу миллат адабиётининг илк намуналари меҳнат, жанговар юриш, маиший турмуш масалаларига бағишланган қўшиқлар шаклида пайдо бўлгани муҳим аҳамият касб этган. Халқ ҳаётининг алоҳида воқеаларини гавдалантирган бундай ашулалар эпик дostonлар яратилишига асос бўлган. Ўз навбатида, уларда халқнинг кундалик турмуш тарзи, қувонч ва қайғуга қоришиқ ҳаёти, орзу-умидлари, келажак, бахт, фаровон ҳаёт ҳақидаги ўй-хаёллари ифодаланган. Шекспир драмаларида ижобий қаҳрамонлар (Ҳамлет, Ҳорцио, Лаэрт, Дункан, Банко, Макбет, Макдуф, Ленокс Сивард) мард, жасур, соғлом, саҳий, мазлумларга ёрдам беришга, она ватан учун жон фидо қилишга ҳамиша шай кишилар



ўлароқ гавдаланади. Чунончи, дунёга машхур “Ромео ва Жульетта”да муҳаббат, ишқ юксад илоҳий туйғу сифатида улуғланади. Ўз севгиси йўлида қурбон бўлган мард, довюрак Ромео шарафланади. Шуларга зид равишда кўрқоқ, хоин, субутсиз, шафқатсиз, шуҳратпараст киши (Клавдий, Гертруда, Полоний, Макбет, Леди Макбет)ларнинг кирдикорлари аёвсиз фош қилинади.

Асарда воқеаларнинг халқ дostonларига хос муболаға билан ифодаланиши, оқкўнгил Ромеонинг жасоратлари, қолаверса, чуқур инсоний туйғулар, хислатлар таҳлили, дўстлик, садоқат мадҳи ушбу бадиий ёдгорликнинг қадр-қимматини оширган. Ўз навбатида, “Ромео ва Жульетта” драмасы бадиият обидалари ичида ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Ундаги реалистик ва халқчиллик элементлари ижобий образлар тасвири ҳамда талқинида кўринади. Ушбу асар билан Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonи, ўзбек халқининг “Тоҳир ва Зухра” дostonлари ўртасидаги ўхшашликлар ҳар икки ижод намунаси қаҳрамонларининг феъл-атворида, шиддатида, куч-қудратида, маслагу интилишларида кўринади. Ромео ҳам, Мажнун ҳам одамларнинг ўзаро келишмасликлари, ўртадаги низо туфайли фожеали ҳалок бўлади. Асар якунида севишганлар қабри тепасида икки қавм, икки оила ўртасидаги низо барҳам топади. Ромео, Фарҳод ёлғоннинг қурбонига айланиши юксад драматик пафосда кўрсатилган.

Шекспир асарларида куйланган севгию хушвақтлик, садоқат ва хиёнат драматург ижодининг асосий мавзу-мундарижасини ташкил қилади. Уларда қаҳрамонлар психологиясига алоҳида урғу берилади. Шекспир драмалари ичида “Ромео ва Жульетта” алоҳида ажралиб туради. Унда инсоний муҳаббат ва дунёвий ҳодисалар тасвирланиб, севги инсоннинг табиий ҳис-туйғулари натижаси сифатида тараннум этилган.

Шекспир ижодида гўзалликни, ҳаёт лаззатларини мадҳ этиш, ҳаётни мутафаккирона тафтиш қилиш каби Шарқ адабиётига хос хусусиятлар сезилиб туради. Инсон психологияси, унинг қалбида кечадиган эврилишларни тасвирлаш кенг ўрин олган асарларда қаҳрамонлар даврга нисбатан айбнома қўйишади. “Адабиёт, аслини олганда, нафсдан кўнгилга, кўнгилдан руҳга, руҳдан сирга, ундан маъно ва моҳиятга юксалиш демак. Бу “мақом”ларнинг ҳар бирида таланти ёзувчи инсон шахсиятини янгича кўриб, янги-янги ўзгаришлардек машоҳада этади. Шекспир шуларнинг барига эришган” Адабиётшунос олим И.Ҳаққулов ўз фикрини давом эттириб, ҳис-туйғу “ойна”сида одамнинг асл қиёфасини кўрсатиш, нафс ва қисмат талошларини ҳол тилида тасвирлаш Шекспир драматургиясининг энг жозибали хусусиятларидан бири эканлигини таъкидлайди.

Адабий таъсир ҳақида фикр юритилганда, Дантени эсламасликнинг иложи йўқ. Данте ижодига Шарқ адабиётнинг таъсири Н.Комилов томонидан махсус тадқиқ этилган.

Шекспир асарларида Шарқ маданияти, илм-фани, фалсафаси Ғарб маданияти билан уйғунлашган. Улкан адабиётшунос Михаил Бахтиннинг “Сўз эстетикаси” асарида келтирилган қуйидаги фикрлар эътиборга молик: “Маданият соҳасини чегараланган, ички майдонга эга яхлит бир жой деб тушуниб бўлмайди. Унинг мунтазам бирлиги маданий ҳаёт атомларига бориб тарқалиб, жабҳадаги ҳар бир томчида қуёшдек



жилваланади. Ҳар бир маданий ҳодиса чегараларда яшайди. Маданият чегарадан четда бўлса, таянчини йўқотиб, пучаяди ва қуруқлашади, айнийди ва ниҳоят, ўлади”.

Дарҳақиқат, ҳеч бир халқ ҳеч қачон бошқалардан узилиб қолган ҳолда тараққий этиши, ўзининг махсус маданиятини яратиши мумкин эмас. Кўп асрлик Шарқ ва Ғарб маданий алоқалари, айниқса, Ўрта асрлар ҳамда Уйғониш давридаги жараён М. Бахтиннинг фикрини тасдиқлайди.

Уйғониш даври реализмининг ижобий қаҳрамонлари характерида беқиёс жасорат ҳамда мардлик мужассам. Шахс эркини ҳимоя қилган йирик гуманистлар ўз куч-қудратига, адолат тантанасига ишонган, ҳақиқат учун курашувчи, қалби пок олижаноб образларни яратиш орқали Уйғониш даврининг ҳаётбахш руҳини ҳам акс эттирдилар.

Адабий таъсир ва боғлиқлик масаласидан сўз очилган экан, бир-бирига қарама-қарши, аммо шунинг баробарида бир-бирини тақозо этувчи икки ҳолатга тўхталиш лозим бўлади. Гап бу ўринда синхроник ва диахроник таъсирлар ҳақида кетяпти. Синхронлик (“ҳозирги вақт”) ва диахронлик (“аввалги вақт”) тилшунослик, шунингдек, қисман адабиётшуносликка хос тушунчалар бўлиб, гуманитар фанлар йўналишидаги тадқиқотларда муайян предметга “тўхтаб турган лаҳза”да ҳамда “вақтинчалик омил”лар (ёки тарихийлик)да намоён ҳодисалар сифатида икки хил ёндашувни англатади.

Синхронлик ва диахронликдан иборат тадқиқот усули тарих ва замонавийликнинг ўзаро бирлигидаги изланишлар предметини, уларни бир-бирини тўлдириши ва бир-бирига таъсир қилиш механизмини қидиришдан иборат. Бундай “механизм”лар сирасига диалогни ҳамда қисман полилогни киритиш мумкин.

Ушбу синтезнинг белгиларидан бири хронотоп бўлиб, у вақт ва маконнинг тасаввурий ёки яратувчи уйғунлигини ёки бирон объектнинг моҳияти бошқа бир объектдан келиб чиқишини ифодалайди.

Шекспир барча нарсанинг замирида тафаккур ётиши зарурлигини уқтириб, одамзодга хос энг муҳим феноменал ҳодисалардан бири эканлигини маҳорат билан қаҳрамон табиати ва руҳиятига сингдиради. “Одамларга инсон табиати, тажрибаси, гидрокига асосланган инсоний ахлоқ керак”, деган мантиқ Ҳамлет дунёқарашини белгилаб берса, Клавдий шон-шухрат ва тахт учун ҳар қандай пасткашликка тайёр.

“Ромео ва Жульетта”да севги ҳисси инсоннинг бутун фаолияти учун дастлабки импульс вазифасини ўташи, у ўз навбатида бахт ва манфаат сари интилиш иштиёқини уйғотишига алоҳида урғу берилган. Драматургнинг фикрича, эҳтирос бўлмаса, буюк санъаткорлар ҳам, буюк қўмондонлар ҳам, буюк вазирлар ҳам, буюк шоирлар ҳам, буюк файласуфлар етишиб чиқмайди.

Шекспир драмаларида гўзаллик, ҳиссиёт, сезги, мушоҳада ва тасаввурга диққат қаратиб, ғоялар бошқарувидаги соялар оламига зид ўлароқ мароқли, тўлақонли воқеликка мурожаат қилинган. Рус мутафаккири Чернишевскийнинг фикрича, айнан Белинский “Халқ адабиёти ҳақида мақолалар”, “Адабий орзулар”, “Ақллилик балоси”, “Менцель – Гёте танқидчиси”, “Михаил Лермонтов шеърляти” сингари асарлари, “Гамлет. Шекспир драмаси” туркумдаги мақолалари билан миллий адабиёт юзага келишида ҳаққоний йўлни кўрсатиб берди. “Фақат ўзинг яхши ўрганган, яхши биладиган нарсалар ҳақида ёзиш, ёзганда ҳам самимий ва рост ёзиш керак;



тасвирланган ҳолат инсон қалбини ўртаб юборсин, воқеликни баҳолашга ёрдам берсин, ўқувчи бошидан кечирган воқеликнинг бир қисмига айланиб қолсин". Шекспир драмалари мана шуларнинг ҳаммасига жавоб бера олади. Уйғониш даври ижодкорларининг адабий-эстетик қарашлари ривожда драматург яратган нодир асарлар муҳим аҳамият касб этади.

"Шекспир асарларида Фальстафнинг ичаги узилгудек кулгуси билан Генрих Vнинг қаҳрамонона энергияси, Розалинданинг назокатли суҳбати билан Ҳамлетнинг фожиали савдойилиги, Лирнинг девоналиги ва Тимоннинг қайғу-аламида давр ҳаётининг ҳар иккала томони ўз ифодасини топган. Уйғониш даврининг буюк санъатида ўртача ҳолат йўқ". Дарҳақиқат, Шекспир асарларида ҳаёт ва ўлим, қувонч ва қайғу, бахт ва фожа ёнма-ён тасвирланади ва бу асарнинг қизиқарлилиги, ҳаётлийлигини таъминлашга хизмат қилади.

## References:

1. Shahob Sharofitdinovich Shodiev. *Academicia An International Multidisciplinary Research Journal "Interpretation of philosophical terms and concepts as an essential subject for linguistic researches of XIX-XX centuries, held in Russia and Europe"* 590-98 10.5958/2249-7137.2020.01171.4
2. Shahobiddin Sharofiddinovich Shodiev. Bakaev Najmiddin Bakaevich. expressions.. (2020). The role of the Latin language in the history of world statehood. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 05 (85), 367-372. SoI: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-05-85-71> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS> Scopus ASCC: 1203. THE ROLE OF THE LATIN LANGUAGE IN THE HISTORY OF WORLD STATEHOOD
3. Sh.Sh.Shodiyev. N.B.Bakayev. M.N.Khafizova, S.N.Ostonova " SHAKESPEARS LEXICON: REASON WORD AS A DESIGN OF THE CONCEPT OF THE ABILITY OF THE HUMAN MIND TO ABSTRACTION, CONCLUSION " *Theoretical and Applied Science*, 162-166, 2020
4. Ш.Ш. Шодиев, Д.Я.Шигабутдинова. «ШЕКСПИРОВСКИЙ ЛЕКСИКОН: СЛОВО REASON КАК ОБОЗНАЧАНИЕ ПОНЯТИЯ СПОСОБНОСТИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО УМА К АБСТРАКЦИИ УМОЗАКЛЮЧЕНИЮ» *Инновационный потенциал развития науки в современном мире*, 189-197, 2020
5. General cultural and educational values of ancient-classic latin language TN Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich, & Majitova Nafisa Zokirovna. (2021). IDEAS ABOUT AN IDEAL PERSON, LANGUAGE, PROSPERITY IN THE EVOLUTION OF PUBLIC AND POLITICAL VIEWS OF THE UZBEK JADIDS OF THE BEGINNING OF THE XX CENTURY. *Eurasian Journal of Academic Research*, 1(3), 5–8. <http://doi.org/10.5281/zenodo.4925897>
6. Шодиев Шаҳобиддин Шарофиддинович. (2022). "МАКБЕТ" ВА "АБУЛФАЙЗХОН" ТРАГЕДИЯСИДА ФАЛСАФИЙ СЎЗЛАР ВА NATURE /ТАБИАТ" ВА SOCIETY / ЖАМИЯТ ТУШУНЧАСИ. *EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH*, 2(12), 1142–1150. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7390238>
7. Shahobiddin Sharofiddinovich Shodiev, Najmiddin Bakaevich Bakaev, Nafisa Zainiddinovna Tasheva *STUDYING PHILOSOPHICAL REALITIES OF THE RENAISSANCE EPOCH, BASED ON THE STRUCTURAL ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL TEXTS // Academic research in educational sciences*. 2021. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/studying->



[philosophical-realities-of-the-renaissance-epoch-based-on-the-structural-analysis-of-philosophical-texts.](#)

8. Shahob Sharofitdinovich Shodiev. *Academica An International Multidisciplinary Research Journal* "Interpretation of philosophical terms and concepts as an essential subject for linguistic researches of XIX-XX centuries, held in Russia and Europe" 590-98 10.5958/2249-7137.2020.01171.4
9. Sh.Sh.Shodiyev. N.B.Bakayev. M.N.Khafizova, S.N.Ostonova "SHAKESPEARS LEXICON: REASON WORD AS A DESIGN OF THE CONCEPT OF THE ABILITY OF THE HUMAN MIND TO ABSTRACTION, CONCLUSION" *Theoretical and Applied Science*, 162-166, 2020
10. Ш.Ш. Шодиев, Д.Я.Шигабутдинова. «ШЕКСПИРОВСКИЙ ЛЕКСИКОН: СЛОВО REASON КАК ОБОЗНАЧЕНИЕ ПОНЯТИЯ СПОСОБНОСТИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО УМА К АБСТРАКЦИИ УМОЗАКЛЮЧЕНИЮ» *Инновационный потенциал развития науки в современном мире*, 189-197, 2020
11. Shodiyev Shaxobiddin Sharofiddinovich, & Tasheva Nafisa Zayniddinovna. (2021). THE ROLE OF THE WAY OF THE GREAT STEPPE IN THE CONTINUITY AND RELATIONSHIP OF THE PHILOSOPHY AND CULTURE OF THE MUSLIM EAST AND THE RENAISSANCE WEST. *Innovative Academy Research Support Center*, 1(3), 9-13. <http://doi.org/10.5281/zenodo.4925956>
12. Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich, & Majitova Nafisa Zokirovna. (2021). IDEAS ABOUT AN IDEAL PERSON, LANGUAGE, PROSPERITY IN THE EVOLUTION OF PUBLIC AND POLITICAL VIEWS OF THE UZBEK JADIDS OF THE BEGINNING OF THE XX CENTURY. *Eurasian Journal of Academic Research*, 1(3), 5-8. <http://doi.org/10.5281/zenodo.4925897>
13. Бекчанова, С. (2023). СТАНОВЛЕНИЕ ЧЕЛОВЕКА ЛИЧНОСТЬЮ СКВОЗЬ ПРИЗМУ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ И КУЛЬТУРНОЙ РЕАЛЬНОСТИ. *Евразийский журнал академических исследований*, 3(4 Part 4), 32-36. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/13213> DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.7867146>.
14. Бекчанова Солиха Давлатназаровна. (2022). ШАХСНИНГ КАСБГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШИ, ЛАЁҚАТИ ВА ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ АМАЛИЙ ЎРГАНИШДА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ. *EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH*, 2(12), 774-780. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7353435>.
15. Бекчанова Солиха Давлатназаровна. (2022). ОСНОВНЫЕ СОСТАВЛЯЮЩИЕ ПРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ ШКОЛЬНИКА. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6483370>.
16. Mirzaeva, A. S. (2022). INTRA-LINGUISTIC AND EXTRA-LINGUISTIC FACTORS RELATED TO THE LANGUAGE AND VOCABULARY OF THE BASIC CONCEPTS OF RENAISSANCE ENGLISH PHILOSOPHY. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 1(5), 9-17.
17. Aziza, M. (2022). THE THEORY OF INTERTEXTUALITY AS A PARADIGM AND THE IMPACT OF THIS THEORY ON TRANSLATION. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(5), 990-995.
18. Мирзаева, А. Ш. (2021). РЕМИНИСЦЕНЦИЯ КАК ЭЛЕМЕНТ ИНТЕРТЕКСТУАЛЬНОСТИ В ПРОИЗВЕДЕНИИ РИКА РИОРДАНА "PERCY JACKSON AND THE LIGHTNING THIEF". *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 4(3).



19. Mirzaeva, A. S. (2022). THEORY IN INTERTEXTUALITY AND THREE SEAMLESS INTERTEXTS: M. BUTTERFLY BY DAVID H. HWANG, AS IS BY WILLIAM M. HOFFMAN, AND EXECUTION OF JUSTICE BY EMILY MANN. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 160-165.

20. Shavkatovna, M. A. (2022). ENLIGHTENMENT-MORAL, PHILOSOPHICAL, LINGUISTIC VIEWS OF MODERN CREATORS.